

ЎЗБЕКИСТОН

Конституцияда дин эркинлиги ва дин давлатдан ажратилганлик тамойили таъминланади. Бироқ 1998 йилда қабул қилинган дин тўғрисидаги қонун кўп ҳукуқларни рўйхатдан ўтган диний гуруҳлар билан чеклайди ва қандай гуруҳлар рўйхатдан ўтиши мумкинлигини чеклайди. Прозелитизм, диний адабиётни олиб қириб тарқатиш ва хусусий тарзда диний таълим бериш каби ҳатти-харакат билан қонун тақиқларини бузган шахслар жиной жавобгарликка тортиладилар.

Охирги йилларда аксарият диний жамоларда шарт-шароитлар яхшиланишига қарамай ҳисобот даврида диний эркинликларни ҳурмат қилиш даражаси бир неча соҳаларда пасайиб кетди. Кетма-кет келган икки йил давомида Ҳизбут-тахрир (ХТ) каби экстремист гуруҳда аъзолик туфайли озодликдан маҳрум қилинган шахсларнинг сони камайган кўринса-да, ҳукумат диққат-эътиборини Турк мусулмон гурухи “Нур”га, қаратиб камида 42 нафар “Нур” гурухи аъзиси деб гумон қилинганларни ҳисбса олиб улардан кўпларини олти йилдан 12 йилгача муддатларга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилди. Ҳукумат рухсат билан фаолият кўрсатаётган масжидларда ибодат қиласиган диндорлар ишларига аралашмади ва асосий йўналишда ҳисобланган бошқа гуруҳлар фаолиятига ижозат берди. Озчилик ташкил қилган баъзи диний гуруҳлар рўйхатдан ўтмаганича қолди, чунки улар қонунда белгиланган рўйхатдан ўтиш қатъий талабларига жавоб бера олмадилар. Бу гуруҳлар, айниқса прозелитизм билан шуғулланаётган, деб қаралганлар устига рейдлар уюштирилди, таъқиб ва етакчилари ва аъзоларининг ҳисбса олинишини бошдан кечирдилар; баъзиларига эса жиной айблар қўйилди.

Ўзбекистон жамияти, умуман олганда, диний гуруҳларга ҳамда диний гуруҳлар бир бирига нисбатан бағрикенглик кўрсатади. Бироқ, баъзан узбек миллатига мансуб христианларга, айниқса яқинда бу динга ўтганлар ва кичикроқ жамоада яшайдиганларга нисбатан қўни-қўшни, оила ва иш берувчилар босим ўтказади. Шунингдек, баъзи озчилик диний гуруҳлар оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда салбий тусда ёритилади.

АҚШ ҳукумати диний эркинликни инсон ҳукуқларини ҳурмат қилишга кўмаклашиш умумий сиёсати қисми сифатида ҳукумат билан муҳокама қиласиди. АҚШ элчихонаси диний эркинликлар борасида кузатишни ва уларни тарғиб қилишни давом эттириди ва ҳукумат, дин пешволари ва инсон ҳукуқлари фаоллари билан мулоқотни узмади. 2009 йил 16 январь куни

Давлат Котиби Халқаро диний эркинликлар актига кўра хусусан диний эркинликларнинг етти бузилишлари муносабати билан Ўзбекистонни айниқса ташвишли мамлакат (АТМ) сифатида қайта белгилади.

I-бўлим. Дин демографияси

Мамлакатнинг майдони 447,4 квадрат километр, аҳолиси 28,2 миллион. Халқаро эксперталар Ўзбекистон аҳолисидан икки-уч миллион киши мигрант, аксарияти мавсумий мигрант бўлиб қўшни, хусусан Россия билан Қозоғистонда иш топиш мақсадида чиқиб кетганлар деб хисоблайдилар. Бироқ, 2009 йилда минтақа иқтисоди сусайиши туфайли бу тенденциянинг пасайиши кутулмоқда. Аҳолининг тахминан 80 фоизини этник ўзбеклар, 5,5 фоизини руслар, 5 фоизини тожиклар, 3 фоизини қозоқлар, 2,5 фоизини қорақалпоқлар ва 1,5 фоизини татарлар ташкил қиласди.

Диний гурухлар аъзолиги туғрисида расмий статистика маълумотлари йўқ; бироқ чамалашга кўра 90 фоиз аҳоли Ҳанафия масҳабидаги аҳли суннат ва жамоага мансуб. Бухоро ва Самарқанд вилоятларда йиғнок тарзда яшайдиган шиа мусулмонлари, чамалаш бўйича аҳолининг 1 фоизини ташкил қиласди. Тахминан 5 фоиз рус православлардир, бу рақам этник рус ва бошқа славянлар мамлакатни тарк этаётганлиги сабаб пасайиб бормоқда. Қолган 3 фоизни Рим католиклари, корейс христианлар, баптистлар, лютерчилар, еттинчи кун адвентистлар, инжилчи ва элликчи христианлар, баҳай ва кришначилар, ва шунингден, атеистлар ташкил қиласди. Бунинг устига, чамалашга кўра 15 000 – 20 000 ашхенази (Европа) ва Бухоро яҳудийлари Тошкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида яшаб келмоқда. Камида 80 000 яҳудий Исроил билан АҚШга асосан иқтисодий сабабларга кура муҳожир бўлиб кетганлар.

2008 йил 15 майдаги ҳолитга кўра 2 228 диний жамоа рўйхатдан ўтган бўлиб, бу рақам 2007 йил майдаги 2 227 га нисбатан 1 нафар ошган. Масжид, диний таълим муассасалари ва ислом марказлари сони жами 2 048 бўлиб иккига ишган. Мусулмон гурухлар орасида бир неча шиалар жамоаси мавжуд эди. Рўйхатдан ўтган христиан гурухлар сони бирга камайди. 180 рўйхатдан ўтган озчилик диний гурухлар жумладан 58 корейс христианлар, 36 рус православ, 23 баптист, 21 элликчилар ("Тўлиқ Инжил"), 10 еттинчи кун адвентистлар, саккиз яҳудий, беш Рим католиклари, олти баҳай, уч лютерчилар, тўрт "Янги апостолчилик", икки арман апостолчилик, бир Иегова шоҳидлари, бир Кришна хабардорлик, бир Будда эҳроми ва бир "Худованд овози" христиан черковидан иборат. Бунинг устига, бир қатор рўйхатдан ўтмаган диний гурухлар бор эди. Ҳукумат 2009 йил ҳолатига янгилangan маълимот етказиб бермади.

Ўз дини ибодатида фаол мусулмонлар ва рус православлар фоизи ошиб бормоқда. Тошкентдан ташқарида ибодат қилувчи мусулмонлар сони ибодат қилмайдиганлан сонидан ортиқ. Ўтган бир неча йил давомида масжидларга чиқадиган килишлар, хусусан умматнинг аксариятини ташқил қиласиган ёшлар сони ошди.

II-бўлим. Ҳукумат диний эркинликларга риоя қилишининг аҳволи

Ҳуқуқий ва сиёсий асос

Конституцияда диний эркинлик таъминланган, бироқ ҳукумат ушбу ҳуқуқларни амалда чеклайди. Шунингдек, Конституцияда дин ва давлат бир биридан ажратилгандар. Давлат диний гуруҳлар сиёсий партия ва ижтимоий ҳаракатлар тузишини тақиқлайди.

Вижон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун (1998 йил Дин тўғрисидаги қонун) эркин ибодатни, дин замирида таъкибдан эркинликни, давлат ва дин ажратилганлигини ва таълим муассасаларини барпо этиб рухонийларни ўқитиш эркинлигини таъминлайдир; аммо қонунда бу ҳуқуқлар фақат рўйхатдан ўтган гуруҳларга берилади. Қонунда, шунингдек, миллий хавфсизликка қарши ҳисобланган диний ҳуқуқлар чекланади, прозелитизм тақиқланади, диний фанлар мактабда ўқитилиши ман этилади, дин асосларини хусусий тарзда ўқитиш тақиқланади ва диний гуруҳлардан матиалларни нашр этиш ёки тарқатиш учун лицензия олиш талаб қилинади. Барча диний адабиёт Дин ишлари бўйича қўмита (ДИК), Вазирлар Маҳкамасига тобе ҳукумат идораси, томонидан маъқулланиши шарт.

1998 йил Дин тўғрисидаги қонунда барча диний гуруҳлардан рўйхатдан ўтиш талаб қилинади ва рўйхатдан ўтиш учун оғир мезонлар белгиланади. Қонун талаблари орасида ҳар бир гуруҳ Адлия вазирлиги (АВ)нинг жойдаги идорасига камида 100 нафар аъзо фуқаролар рўйхатини тақдим қилиш белгиланган. ДИК рўйхатдан ўтган гуруҳлар фаолиятини назорат қилиб боради.

Қонун агар диний гуруҳ рўйхатга олинган марказий бошқарув идорага эга бўлмаса дин ходимларини ўқитишни тақиқлайди. Марказий идорани рўйхатдан ўтказиш учун диний гуруҳлар 13 вилоятдан камида 8тасида рўйхатдан ўтган бўлиши талаб қилинади. Бу эса озчилик диний гуруҳларнинг аксарияти учун имкони йўқ талаб. Саккиз нафар қонуний асосда дин ходимларини ўқитиш мумкин бўлган субъект бор. Қонунда диний таълим расмий равишда рухсат этилган муассаса ва давлат тасдиқлаган мударрислар

билин чеклаб қўйилган. Қонун хисусий тарзда диний таълим беришни тақиқлайди ва қоидани бузувчиларга нисбатан жарима белгилайди. Қонунда диний фанлар мактабларда ўқитилиши тақиқланган. Дин туғрисидаги қонуннинг 14-моддасида жамоатчилик жойларда “диний ташкилотларда хизмат қиласиган” кишилардан бошқа барча учун “ибодат кийими”да бўлиш тақиқланади.

Жиноят кодекс ива Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда Дин тўғрисидаги қонун ва диний фаолият тўғрисидаги бошқа низомларни бузганлик учун қатъий жазо чоралари белгиланган. Тақиқланган фаолият олиб бориш, жумладан ноқонуний диний гурухларни ташкил қилишга қўшимча равишда қонунда бошқаларни бундай гурухларга қўшилишга даъват қилиш ёки вояга етмаганларни ота-оналарининг рухсатисиз диний ташкилотларга тортиш қораланади. Рўйхатдан ўтмаган диний ташкилот олиб борадиган ҳар қандай хизмат ноқонуний ҳисобланади.

Жиноят кодексида расман белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган “ноқонуний” гурухлар билан “тақиқланган”, яъни экстремистик, деб қаралган давлат бутунлай ман қилган гурухлар фарқланади. Ноқонуний гурух ташкил қилиш ёки бундай гурухни рўйхатдан ўтказиш рад этилганда ёки тарқатиб юбориш буюрилганда унинг фаолиятини давом эттириш кодексда жиноят деб таърифланиб беш йил муддатганча озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган. Бунинг устига қодексга биноан бундай гурухларда қатнашиш уч йил муддатганча озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Шунингдек, кодескда диний экстремистик, ақидапараст, айирмачи ёки бошқа тақиқланган гурухни “ташкил қилиш ёки фаолиятида қатнашиш” учун 20 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Давлат фуқароларга диний фаолият учун айб қўядиган асосий қонун моддалари Жиноят кодексининг 159-моддаси (конституциявий тузимга тажовуз қилиш); 216-модда (фаолияти тақиқланган жамоат бирлашмаларини ва диний ташкилот тузиш); 216-модда, 2-қисми (диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, жумладан прозелитизм); 244-модда, 1-қисми (жамоат хавфсизлиги ва жамоатт тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш) ва 244-модда, 2-қисми (диний экстремистик, айирмачилик, ақидапарастлик ёки бошқа тақиқланган ташкилотни ташкил қилиш, бошқариш ёки унда қатнашиш).

2005 йил декабрь ойида Жиноят (217-модда, 2-қисм) ва Маъмурий жавобгарлик (201-модда) кодексларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра диний фаолиятга доир қонунни такрор бузганлик учун жарима миқдори Жиноят кодексига кўра энг кам иш ҳақи миқдори 19 АҚШ

доллари (28.040 сўм)нинг 200 баробаридан 300 баробаригача, Маъмурий жавобгарлик кодексига кўра 50 баробаридан 100 баробаригача оширилди.

Давлат, шунингдек, диний фаолиятни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жазо чораларини кўриш мақсадида Маъмурий жавобгарлик кодескининг ҳам тўрт моддасини ишга солади. Маъмурий жавобгарлик кодексининг 201-моддасида диний ташкилотлар ишини тартибга солувчи қонунни бузганлик, шунингдек ноқонуний кампаниялар, юришлар ва намойишлар ўтказиш учун жарима белгиланади. 202-моддада рухсат этилмаган йиғилиш ўтказишга шароит яратиб берганлик учун жарима белгиланади. Маъмурий жавобгарлик кодексининг 240-моддасида Дин тўғрисидаги қонунни бузганлик учун маъмурий жарима ва 241-моддада “маҳсус диний маълумотга эга бўлмай ва диний ташкилотнинг марказий бошқаруви органининг рухсатисиз диний таълимотдан сабоқ берганлик, шунингдек хусусий шахс сифатида диний таълимотдан сабоқ берганлик” учун жарима белгиланади.

2006 йил июнь ойида Маъмурий жавобгарлик кодексига киритилгана ўзгартиш ва қўшимчаларда “диний мазмундаги материалларни ишлаб чиқариш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш” учун энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг шахсларга 20дан 100 баробаригача, ташкилотларнинг мамурий ходимларига 50дан 10 баробаригача жарима, айни пайтда материаллар ва “тегишли уларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш воситалари” мусодара қилиниши белгилади. Жиноят кодексининг 244-модда, 3-қисмida ҳам шу қонунбузарлик кўриб чиқилади, Маъмурий жавобгарлик кодексининг тегишли моддалари билан муқаддам энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 100дан 200 баробаригача жарима солинади ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишларга ҳукм этилади. Бир пайтда Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик кодексига киритилган бошқа ўзгартишларда “ирқий ва диний нафратни тарғиб қилувчи адабиётни” ишлаб чиқариш ва тарқатиш учун маҳкум қилинганларга жазо белгиланади.

Гарчи қонунда марказлашган тарзда рўйхатдан ўтган барча диний оқимлар тенг кўрилса, давлат Ислом университетини ва ислом билан боғлиқ тарихий жойларни сақлаш ишларини маблағ билан таъминлайди. Ҳукумат 2008 йил декабридаги ҳажга чиққан танланган мусулмонларга ташкилий ёрдам кўрсатди, аммо ҳожилар харажатларини ўзлари кўтаради. Давлат муфти идорасини (диний бошқармани) назорат қиласи, у эса ўз навбатида имомлар, имомлар ваъзранинг мазмунини ва нашр этилаётган исломий материаллар миқдори ва моҳиятини назорат қиласи. Исломнинг муборак қурбон ҳайити ва рамозон ҳайити миллий байрам сифатида нишонланади.

Диний эркинликларни чеклаш

Ҳисобот даврида давлат томонидан диний эркинликлар сезиларли даражада чекланди. Давлат баъзи диний гуруҳларни рўйхатга олишни рад этишда давом этиб аслида уларни Конституцияда белгиланган диний ибодат эркинлигидан маҳрум қилди. Баъзи фуқароларши рўйхатга олиш қонунига хилоф равища диний амалларда қатнашгани учун жазо чораларини қўриб кўп диний амаллар ва фаолиятни чеклаб қўйди.

Давлат экстремистик деб ҳисоблаган ислом ташкилотларни тақиқлайди ва уларда аъзоликни жиноят деб қарайди. Тақиқланган ташкилотлардан асосийлари Ҳизбут-таҳрир (ХТ), акромия, Таблих жамоат, “Нур” ва давлат умумлаштирган тарзда “ваҳҳобий”, деб булгилаган гуруҳлардир. Давлат экстремиздан гумон қилинган шахс ва гуруҳларни таъқиб қилишни диний эркинликка доир масала эмас, балки ҳокимиятга қуролли қаршилик кўрсатишнинг олдини олиш деб қарашини баён қилади.

ХТ ижтимоий диний мафкура билан ҳаракатланувчи экстремистик исломий сиёсий ташкилот ҳисобланади. Унинг адабиётида бутун жаҳон ислом халифалигини барпо этиш учун уч босқичли ҳаракат баён этилади. Гарчи ХТ ўзини зўравонлик қўлламаслигини баён қилса-да, у қуролли жиҳод ва террорчилик амалларни такрор-такрор олқишилаган ёки ёқлаб чиққан. Унинг адабиётида ташкилот муайян пайтда қўролли амалларни ишга солиши мумкинлиги қатъиян такидланади. Ушбу партиянинг сомий ва Farbga шиддатли равища қашри адабиёти ва веб-сайти дунёвий ҳукуматлар, жумладан Марказий Осиё ҳукуматларини ағдаришга чақиради.

Ҳокимиятнинг ХТни бостириш ва унинг аъзоларини жиноий жавобгарликка тортишга қаратилган ҳаракати гуруҳнинг сиёсий фаолиятига асосланган бўлиб аслида диний эркинликни чеклаш ҳисобланмайди. Бироқ ХТ ва шунга ўхшашиб ташкилотлар билан боғлиқ шахсларни ҳукм қилишда одилона судлов кузатилмаган ва шунингдек қийноқ қўлланилганда ишончли гумон бор. Ҳисобот даврида жиноий жавобарликка тортилиш учун нишон бўлганларнинг асосий қисмини ХТда аъзолик учун озодликдан маҳрум этиб бўлинган шахсларнинг қариндош ва яқинлари ташкил қилди.

Давлат “Акромия” аъзоларини (акромийларни) 1997 йилдан бери таъқиб қилиб жиноий жавобгарликка тортиб келмоқда. Дин мутахассислари Акромия ислом диний ақидаларига мувофиқ тадбиркорликни тарғиб қилаётган норасий уюшма, деб таъкидлайдилар, давлат эса ушбу гуруҳ ХТнинг шўъбаси ёки ажралиб чиққан булаги ва у Ўзбекистон ислом ҳаракати (ЎИҲ)нинг террорчилик гуруҳи билан биргаликда Андижонда 2005 йил май

ойида бўлган қуролли қўзғолон орқали ҳокимиятни ағдаришга уринган, дейди.

Таблих жамоат, илдизлари Жанубий Осиёда бўлган ислом миссинер (даъваткор) гуруҳи пайғамбар Мұҳаммад давридаги ибодат, кийиниш ва покланиш амалларига асосланган амалларга риоя қиласи, унинг аъзолари фақатгина ибодат билан машғул бўлиб сиёсатдан йироқ эканликларини баён қиласидилар.

“Нур” келиб чиқиши қурд бўлган Мулло Саид Нурси томонидан 1-жаҳон урушидан сўнг асосланган бўлиб Туркияда шариатни қабул қилишни тарғиб қиласидилар. Охирги йилларда “Нур” Америка Қўшма Штатларида яшайдиган турк олими Фатхулла Гулленнинг диний ва пантуркизм мафкураси билан алоқадор бўлиб қолди. Марказий Осиё давлатлари мустақилликка эришгандан сўнг Гуллен бутун Марказий Осий, жумладан Ўзбекистонда тукр ўтра ўкув юртлар очилишини қўллаб қувватлади. “Нур”нинг нашрларини 1990-нчи йилларда Ўзбекистонда бемалол топиш мумкин эди. Тукр мактаблари Марказий Осиёнинг бошқа жойларида фаолиятда давом этмоқда, аммо хукумат Ўзбекистон турк мактабларини 1999 йилда Тошкентда содир этилиб ўша пайтда Туркияда яшаган Ўзбекистон мухолифат собиқ арбобининг қўли бор деб ҳисобланган қатор портлатишлардан кейин ёпилишга мажбур қиласидилар. Ўша йилнинг ўзида давлат мустақил ислом фаолиятини умумий бостириш ҷоғида “Нур” аъзоларидан баъзиларини таъқиб этиб озодликдан маҳрум қиласидилар.

Ҳисобот даври давомида ҳукумат “Нур” аъзолигида гумон қилинган кишиларга нисбатан бостириш чораларини бошлаб юборди, бу эса ўнлаб кишилар ҳисга олиниши ва озодликдан маҳрум қилинишига олиб келди. Ўзбекистон Дин ишлари бўйича қўмитаси (ДИҚ) Нурни тақиқланган диний ташкилотлар қаторига қўлиб қўйди. Мамлакатдан ташқарида “Нур”нинг мавкураси тараққийпарвардан тортиб корсервативгача турланади, деб қаралади; гурух изчил равишда зўравонлик экстремизмни қоралаб келди.

Шунингдек, ДИҚ гумон қилинган “ваҳҳобийлар”ни тақиқлайди. Мазкур иборани ҳукумат интеллектуал ва диний томирлари 1990 йиллар бошларида танилган имомларнинг қатъий тайлимотларига бориб тақаладиган мусулмонларни таърифлаш учун қўллайди. Имомлар Назаров, Парпиеv ва Мирзаев шулар жумласидан эдилар. Назаровга чет элда сиёсий бошпана берилди; бошқалар хибсоналарда ғойиб бўлдилар. Ҳукумат давлат маъқуллаган муассалардан ташқарида ибодат қиласидиган, чет элларда мадрасаларда таҳсил олган ёки танилган “ваҳҳобий” имомларга алоқаси бор мусулмонларга чукур шубҳа билан қарайди.

ДИҚ дин асосида барпо этилган саккизта қичикроқ, камроқ танилган ташкилотни экстремистик сифатида тақиқлайди. Бунинг устига, давлат террорчилик ташкилотларда, жумладан Ўзбекистон ислом ҳаракати (ЎИҲ) ва Ислом жиҳоди бирлашмасида (ИЖБ) иштирокни тақиқлайди.

Янги масжидлар рўйхатдан ўтишда қийинчиликка дуч келишда давом этдилар, аввал ёпилиб янгидан рўйхатдан ўтиш учун мурожжат қилганлирнинг аҳволи ҳам шундай эди. Фарғона водийсининг жануби ва шарқидаги аввалги йилларда ҳам рўйхатдан ўтишда муаммо борлигини хабар қилган бир неча масжид ибодат қилувчилар сони талаб қилинган даражада бўлишига қарамай рўйхатдан ўтмаганича қолган. Бир неча норасмий, мустақил масжидларни расмий имомлар назоратида тинчгина фаолият юритишига қўйиб берилди. Давлат органлари Фарғона водийсидаги Кўқон шаҳрида рўйхатдан ўтмаган сўфийлар хонақоҳи фаолият кўрсатишига рухсат бердилар. Давлат вақти вақти билан тасаввуфни, айниқса ерлик Нақшбандия тариқатини хукумат экстремистик деб тушунган четдан олиб келинган Ислом шакларига муқобил сифатида тарғиб қилди.

Озчилик диний гуруҳлар ҳисобот даврида рўйхатдан ўтишда қийинчиликларга дуч келишда давом этдилар. Иегова шоҳидлари рўйхатдан ўтиш учун маҳаллий, вилоят ва республика миқёсида мурожаат этиб ушбу ҳисоботда ёритилиётган давр ичida рад жавобини олдилар ёки умуман расмий жавоб олмадилар. 1996 бери Иегова шоҳидлари Тошкентда камида 23 ҳолда рўйхатдан ўтишга ва 13 ҳолда вилоятларда жамоаларни рўйхатдан ўтказишга ҳаракат қилдилар. Мамлакатданги бир неча Иегова шоҳидлари гуруҳларидан фақат биттаси, Чирчиқда, ҳисобот даврининг охирига келиб рўйхатдан уришга муваффақ бўлди.

2008 октябрь ойида Тошкент шаҳар адлия бошқармаси, техник жиҳатларни кўрсатиб, Тошкентдаги Эксхол тўлиқ Инжил черковининг энг сўнгги аризасини қайтарди. Черковни рўйхатга олиш аввалроқ 2008 йил 22 июлда ҳам рад этилган эди, унда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси Черков Чилонзор туман ҳокимияти ва маҳалла қўмитасидан тақдим этган қўллаб-кувватлаш хатларини улар “расмий талабларга жавоб бермайди”, деган важ билан қабул қилмади. Маъмурият аввалги уч мурожаатида ҳам Черковни рўйхатдан ўтказишни рад этди.

Ҳеч бир баптист черков 1999 йилдан бери рўйхатдан ўтишга муваффақ бўлмади. 2006 йилда Хоразм вилояти Урганч баптист бирлашма черкови рўйхатдан чиқарилди. Сирдарё вилояти Гулистондаги, Тошкент вилоятидаги

Ғазалкент, Қизил тоғ ва Тўйтепадаги баптист бирлашма черковлари бир неча бор рўйхатдан ўтишга уриниб маваффақият қозонмадилар.

Бошқа черковлар ҳам илгариги муваффақиятсиз уринишлардан кейин рўйхатдан ўтмаганлигича қоляпти. Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги Бетани баптист черкови; Чирчиқдаги элликчилар черкови; Қорақалпоғистонда Нукусда Эммануэл черкови ва Тинчлик черкови; Андижондаги элликчилар черкови; ҳамда Самарқанддаги адвентистлар черкови, аъло Христиан раҳмат катта черкови ва Мирал протестант черкови шулар жумласидандир.

2007 йила рўйхатдан чиқарилган ва 2008 йилда мунтазам ибодатларни тўхтатган Тошкент пресвитериан раҳмат черкови тўғрисида янгиланган маълумот йўқ.

Диний фаолият Қорақалпоғистонда айниқа қийин бўлиб келди, чунки бирон бир мусулмон ёки православ бўлмаган диний жамоа расмий рўйхатдан ўтган мақомга эга эмас эди. Қорақалпоғистонда рўйхатдан ўтган охирги протестант черков Эммануэл элликчилар черкови бўлиб, у 2005 йилда рўйхатдаги мақомини йўқотди. Минтақадаги 20дан ортиқ протестант ва Иегова шоҳидлари жамоаларига қонуний мақом рад этилди, шунинг билан фаолиятлари ноқонуний бўлиб қолди.

Ҳисобот даври давомида кўп черковлар, хусусан аъзолари ўзбеклар бўлган евангелист черковлар рўйхатдан ўтиш ёки қайта рўйхатдан ўтиш учун мурожаат қилмадилар, чунки маҳаллий расмийлар уларни рўйхатдан ўтказишига умид ҳам боғламадилар. Бошқа гуруҳлар, жумладан аъзолар сони жуда оз бўлганлари рўйхатдан ўтиш мурожаатномалари хукукий талабларги жавоб бермаслиги аён бўла тутиб рўхатдан ўтиш учун мурожаат билан маъмуриятнинг диққатини ўzlарига тортмасликни афзал кўрганликларини хабар қилдилар. Баъзи гуруҳлар аъзолари, айникса ўзбек аъзолари рўйхатини давлат органларига беришни истамайдилар, чунки улар рўйхатдан ўтишга аввалги уринишларда таъқибга дуч келдилар. Бир неча гуруҳ рўйхатдан ўтишни эътиқод асосида хоҳлашмайди, чунки улар давлатнинг рўйхатдан ўтишни талаб қилиш хукуки борлигига қарши чиқадилар.

Рўйхатдан ўтиш учун гуруҳ низомида ҳақиқий юридик манзилини қўрсатиши шарт. Аввалги ҳисобот даврларда маҳаллий маъмурият юридик манзилларни тасдиқлашни рад этган ёки бундай талабларни жавобсиз қолдирган эди, шунинг билан диний гуруҳлар учун рўйхатдан ўтиш йўли беркилади. АВ ҳам маҳаллий маъмурият қарорини изоҳлагандага шу талабни

келтиради. Тошкент халқаро черков каби баъзи гурӯҳлар рўйхатдан ўтиши кафолатига эга бўлмай мулк сотиб олишга тарааддулландилар. Бошқалар маҳаллий маъмурият қастдан манзил тасдиғини бермади, деб айтишиди, чунки маъмурият ўзбеклар аъзо бўлган христиан черковлар мавжудлигига қарши эдилар.

Куйидагилар рўйхатдан ўтишга тўсқинлик қилган бошқа муаммолар жумласидан: ибодатчилар рўйхатлари қалбаки эканлигига айблаш, марзилларни тасдиғи муаммолари, ўт ўчирувчи, санитария-эпидемиология инспекторларнинг нотўғри далолатномалари, гуруҳ низомидаги грамматик хатолар ва бошқа техник масалалар.

Руслар, яхудилар ва мусулмон бўлмаган чет элликлар дин танлашда ва ўзгартиришда мусулмон этник гуруҳ аъзоларига, хусусан ўзбекларга нисбатан кенгроқ эркинлиқдан фойдаланадилар. Аксарият христиан черковлар ўзбекларни ўз динларига оғдиришга уринмасалар бемалол фаолият кўрсатиши мумкин.

Дин асосларидан хусусий тарзда таълим бериш ва вояга етмаганларга отаоналарининг розилигисиз диний таълим бериш қонунга хилоф ҳисобланади. Фақат рўйхатга олинган марказий идорага эга диний гуруҳ диний таълим бериши мумкин.

Ўрта, жумладан дунёвий фанларнинг тўлиқ мажмуидан маълумот бурувчи 11 (жумладан хотин-қизлар учун 2) мадраса мавжуд. Вазирдар Маҳкамаси мадрасалар берган дипломларни бошқа дипломларга тенглаштиради, шунинг билан ушбу муассасаларнинг битирувчилари таҳсилни университет даражасида давом эттиши имконига эга бўладилар. Бунинг устига, Тошкентдаги Ислом институти ва Ислом университети олий маълумот беради. Мадраса ва Ислом маҳадининг ўқув дастурлари имом ёки дин муаллимлари бўлишни режалаштирганларга мўлжалланган. Ҳукумат маблағ билан таъминдайдиган ва ташкил қилган Ислом университетида талабалар диний илмларни дунёвий нуқтаи назардан ўрганадилар, бу эса битирувчиларга имом бўлиш ҳуқуқини бермайди; бироқ, университетнинг баъзи битирувчилари мадрасада муайян илмлар мажмуини ўрганиб чиққандан сўнг имом этиб тайинланган.

Ушбу муассасаларда кундузги таълимдан ташқари ислом тўғрисида маълумот олмоқчи бўлган шахслар учун расмий рухсат этилган диний таълим мавжуд эмас. Давлат аввалги йилларда медицина муассасаларига айлантирганидан кейин ёпилган Фаргона водийсидаги икки мадраса ҳамон ёпиқ. Норасмий равишда диний таълим бераётган имомлар сони ошиб бормоқда; гарчи бу

қонунга хилоф бўлса-да маҳаллий маъмурият кам ҳолларда ҳуқуқий чоралар кўради.

Давлат шиа имомларни мамлакат ичида алоҳида ўқитишга рухсат бермай ва мамлакатдан ташқарида олинган таълимни тан олмай шиа ислом таълимини чеклайди. Бироқ, шиа имомлари шиа фиқхидан муайян сабоқ берадиган сунний мадрасаларда таълим оладилар. Рус православ черкови икки (бири хотин-қизлар, бири эркаклар учун) роҳибхоналарни, семинарияни юритади ва якшанба мактаблари воситасида қатор черковлар орқали диний таълим беради. Бошқа диний гуруҳлар ўз диний марказлари орқали диний таълим беради. Яхудий жамоасининг раввинати йўқ, чунки рўйхатдан ўтган марказий идораси бўлиши учун шарт қилинган саккиз турли вилоятларда синагогаларга эга эмас; шундай бўлса-да, Тошкентнинг Яккасарой туманидаги яхудий мактабда яхудий маданиятдан сабоқ берилади.

Маҳаллий маъмурият ва диний муассасалар вакиллари Иегова шоҳидларининг прозелитизм фаолияти муносабати билан ташвиш билдиришда давом этдилар. Давлат томонидан прозелитизмда айбланган чет эл нодавлат нотижорат ташкилот (ННТ)лар бошқа ННТлар билан бир қаторда ёпиқлигича қолаверди. Вазирлар Маҳкамасининг ННТларни рўйхатга олиш талабларидағи ўзгаришни белгилаган 2003 йилдаги қарори диний эътиқодга асосланган субъектлар фаолиятини чеклаб қўйди, 1998 йил Дин тўғрисидаги қонун “бир динга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган (прозелитизм) хаттиҳаракатлар, шунингдек бошқа турдаги миссионерлик фаолиятини” тақиқлайди. АВ мамлакатдаги ННТ учун ишлашга уринган ҳар бир чет эллик учун мажбурий бўлган аккредитацияни назорат қиласи. Бу назорат давлатга прозелитизм билан шуғулланаётган деб ҳисобланганларни расмий айб қўймай мамлакатдан чиқариб юборишга имкон беради.

Ҳисобот даврида бир қатор ННТларнинг мамлакатдаги чет эллик ходимлари миссионерлик фаолитида гумон қилиниб депортация қилинди. 2009 йил февраль ойида давлат органлари Тошкентда ногиронларга тиббий ёрдам кўрсатаётган инсонпарварлик ёрдам кўрсатувчи Янги умид номли диний эътиқодга асосларган ННТда ишловчи уч нафар АҚШ фуқаросини мамлакатни тарк этишга мажбур қилдилар. АҚШ фуқаролари аниқ айтилмаган қонунларни бузганлиқда айбланиб, мамлакатни тарк этиш учун уларга икки ҳафта муддат берилди. Улар миссионерлик фаолиятига аралашганликларини рад этдилар.

2008 йил 1 декабрда АВ инсонпарварлик ёрдам кўрсатадиган Америка яхудий бирлашган тақсимот қўмитаси (БТҚ)ни қайта рўйхатдан ўтказди.

2008 йил апрел ойида вазирликнинг расмий кишиси БТҚни очиқдан очик қонунбузарлиқда айблади ва ташкилотни рўйхатдан чиқариш билан таҳдид қилди. Америка ва Истроил қўш фуқаролигига эга ва Ҳасидлар жаҳон Любович ҳаракатининг Бош эмиссари рабби Давид Гуревич ишига тегишли янгиланган маълумот йўқ, у 2008 йилда АВ унинг аккредитацияси ва визасини узайтиришни рад этгандан сўнг депортация қилинган эди. Любович синагогаси бошқа рабби бошчилигига, узоқ вақтли маънавий раҳбари узоқда бўлган ҳолда очик қолди. Ҳар иккала амалнинг сабаблари дин эркинлигига алоқаси йўқ омиллар туфайли юзага келган кўринади.

2008 йил апрель ойида АВ рухсат этилмаган миссионерлик фаолиятини олиб бориша айблагандан кейин аккредитациясидан жудо бўлган Жанубий Кореяликлар бошқарган Самарқанддаги евангелик черков иши борасида янгиланган маълумот йўқ.

Манбаларга кўра, давлат органлари маҳалла қўмиталар ва имомларга маҳаллаларда яшайдиган экстремистик фаолият ёки гуруҳларга аралашиб қолиши эҳтимоли бор, жумладан беш маҳал намозини канда қилмайдиган ёки бошқа йўл билан тақвосини намойиш қилаётган одамларни аниқлашга кўрсатма берган. Давлат органлари имомлар ваъзи мазмуни ва нашр этилайтган исломга доир материаллар миқдори ва мазмунини назорат қилиб борди.

Манбаларга кўра, охирги йилларда мусулмон жамоасида шарт-шароит яхшиланган, кўп масжидларда намозхонлар жума намози пайтида ишқарида жой етишмаслик туфайли кўчаларга тошиб чиқадилар. Таомилларни маҳкам тутган мусулмонлар тақволарини жамиятда эркинроқ кўрсатишлари мумкин. Мактаб ёшидаги болаларнинг ҳам жума намозига кўплаб чиққанлиги кузатилди, баъзи манбалар эса маъмурлар болаларнинг масжидларга чиқишини чеклашга ҳаракат қилганлар, деб хабар беради.

Хавфсизлик хизматлари христиан диний жамоаларни яширин тарзда кузатиша давом этганликлари тўғрисида ишончли хабарлар бўлди.

Баъзи ҳолларда давлат назорат қилган оммавий ахборот воситалари муайян озчилик диний гуруҳларга нисбатан нохолисона муносабатни рағбатлантириди. Ҳисобот даврида давлат назоратилаги оммавий ахборот воситалари миссионерларни жамиятга хавф туғдиришда айблаб экстремистларга тенглаштириди. Давлат расмийлари ҳам турли мамлакатнинг вилоятларида университет ва бошқа таълим муассасаларида йиғилишлар ўтказиб талаба ва ўқувчиларни “миссионерлик ва диний экстремизмнинг салбий оқибатлари” тўғрисида огоҳлантирилар.

2009 йил март ойида давлат назоратидаги телевидениеда “Зулматга элтувчи нур” номли “Нур”га бағишланган ҳужжатли фильм эфирга узатилди. Баёнда “Нур” пан-туркизм давлатини барпо этишга интилган экстремистик тўда сифатида таърифланиб фаолияти “асрларга тенгдош қадриятларимизни қўпоради” деган фикр илгари сурилган. Ҳужжатли фильм суд 2009 йил 15 февраль кунида саккиз кишини “Нур” аъзоларида айбдор деб топиб уларни саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосига маҳкум этганлигини айтиш билан якунланди, холос.

2009 йил февраль ойида давлат назоратидаги телевидениеси эфирга узатган ҳужжатли фильмда “Нур” “Евросиёда пан-туркий давлатни барпо этишни мақсад қилган” “экстремистик тўда” сифатида таърифланди. Ҳужжатли фильмда ҳукумат 1990-йиллар охирида Ўзбекистонда ўзбек-турк мактабларини “Нур” тарғиботини тарқатиш гумони асосида ёпганлиги айтилади ҳамда мактабларни битирганлар “Нур” фаолиятини Ўзбекистонда 2006 йилда янгидан бошладилар, деган гумон билдирилди. Қаттиқ чоралар кўриш даврида ҳибсга олиниб озодликдан маҳрум этилганларнинг қўплари ўзбек-тукр мактабларини битирганлар эди.

Гарчи давлат ДИҚ барча диний адабиётни тасдиқлашини талаб қилса-да, амалда бошқа бир қатор давлат органлари, жумладан Ички ишлар вазирлиги (ИИВ), Миллий хавфсизлик хизмати (МХХ), Божхона хизмати ва маҳаллий ички ишлар органлари диний адабиётни тақиқлаши ёки мусадара қилиши мумкин. Дин тўғрисидаги қонун диний адабиётни нашр этиш, олиб қириш ва тарқатиш ҳуқуқини диний ташкилотларнинг фақат марказий идоралари билан чеклади, бундай идоралардан еттига мавжуд: ҳалқаро Инжил жамияти; Ўзбекистон мусулмонлари бошқармаси; икки Ислом маркази; ҳамда рус православ, Тўлиқ Инжил, баптист ва Рим котоликлари идоралари. Давлат органлари диний адабиётни мусодара қилиши ва баъзи ҳолларда йўқ қилиб юбориши мумкин.

Ҳисобот даврида давлат рўйхатга олинган марказий диний идоралар олиб қириши мумкин бўлган ўзбек тилидаги христиан адабиёти миқдорини чеклади. Ўзбекистоннинг Инжил жамиятига юборилган ва ДИҚ олиб қириш рухсатини беришни 2008 май ойида Инжил жамияти давлат органларини белгиланган тартибда жўнатма тўғрисида хабардор қилмади, деган важ билан рад қилган тахминан 11.000 диний китоб ва брошюра тортиб олинганича қолаверди, Иегова шоҳидлари адабиётининг 2006 йилдаги жўнатмаси билан ҳам ахвол шундай эди. Давлат органлари ўзбек ва рус тилларидаги қонуний равишда олиб кирилган христиан адабиётларни мусодара қилдилар ва баъзи ҳолларда йўқ қилиб юбордилар. Тарихий ва маданий сабабларга кўра

евангелист руҳонийлар рус тилида ваъзхонлик қиласидилар, айни пайтда чекланган миқёса ибодат мамлакатнинг давлат тили ва аксарият мусулмон аҳолига энг якин ўзбек тилида ҳам амалга оширилади. Аввалги ҳисобот даврларда ДИҚ баъзи материалларни, масалан чекланган миқдорда Инжил баъзи китобланинг ўзбек тилига таржималарини, олиб қиришга рухсат берган эди. Давлат органлари Инжил жамиятидан муентазам равишда унинг ноширлик, импорт ва таржима фаолияти тўғрисида маълумот бериб туришни талаб қиласиди.

Тошкентдаги халқаро почтамт барча келаётган пакетларни текширишда давом этди ва диний материалларнинг намуналарини ўрганиб чиқиши ва маъқуллаш учун ДИҚга юбориб турди. ДИҚ материални тақиқлаган тақдирда у оловчи ва юборувчига материал қайтарилишининг сабабларини кўрсатган ҳолда хат юборади. ДИҚ христиан ва исломга тегишли босма маҳсулот олиб кирилишини тақиқласиди.

Давлат органлари ислом нашрлардан фойдаланиш имкониятларини қаттиқ назорат қилиб борди ва мамлакатда чиққат ҳар бир нашр (китоб, брошюра, компакт-диск, фильм)да ваколатли нашриётни кўрсатишни талаб қиласиди. Кўп китоблар расмий рухсатни билдирувчи “Бу китоб ДИҚ томонидан рухсат этилди” ёки “бу китоб ДИҚ томонидан тавсия этилди” деган жумла билан чоп этилди. Умуман олганда, фақат Мусулмонлар идорасининг “Мовароуннахр” нашриёти китобларининг чиқиши маълумоларида ушбу жумлалар учрайди. Давлатга қарашли “Шарқ” ва “Адолат” номи остида чоп этилган бошқа асарлар учун, ҳатто улар ислом ҳуқуқига тегишли бўлганида ДИҚнинг рухсати керак бўлмаган кўринади. Араб тилидаги бир мунча миқдорда олиб кирилган китобларни китобфурушлардан олиш мумкин. Кўпроқ баҳс кўзғатадиган адабиёт пештахталарга қўйилмайди, аммо сўраб олиш мумкин. Экстремист ҳисобланган муаллифлар китобларига ёки ноқонуний равишда олиб кирилган ёки нашр этилган ҳар қандай адабиётга эга бўлиш ҳибсга олиш ва жиноий жавобгарликка тортиш билан тугаши мумкин. Давлат ҲТ варакалари ва “Нур” адабиётини қатъяян тақиқласиди.

Давлат ҳажга борувчиларнинг сонини 5.000 киши билан чеклади, бошқача айтганда бу мамлакатдан ҳажга бориши мумкин бўлган одамлар (аҳолининг ҳар 1 миллионидан 1.000 қиши ҳисобидан 25.000, деб чамаланганд) сонининг тахминан 20 фоизини ташкил қиласиди. Буларга қўшимча тарзда 4.000 киши умра (кичик ҳаж)га бориб келди. Жойларда маҳалла фуқаролар йиғинлари, туман ҳокимиётлари, Миллий хавфсизлик хизмати ва давлат тегишли ДИҚ ва муфти идораси томонидан назорат қилинадиган Ҳаж ҳайъати, бари ҳажга боришни мўлжаллаган кишиларни ўтказмаслик, “қора рўйхатга” маҳкум этиш билан овора бўлганлиги маълум қилинди.

Давлат идоралари ходимларидан тобора кўпроқ одам жума намозларига қатнаётган бир пайтда улар, умуман олганда, хуҳусий шахсларга қараганда унчалик тақводор кўринмайдилар. Давлат дунёвийлик сиёсатида изчил туради, ва давлат идоралари ходимлари дин ва давлат тизими орасидаги чегарани сақлашга диққат билан қарайдилар.

Дин эркинлиги бузилиши

Давлат органлари экстремистик ёки мустақил ислом ташкилотларига қарши кампаниясида дин эркинлигини жиддий тарзда бузишда давом этди. Кўпгина ҳолларда давлат органлари қийноқни қўллаб, уриб ва қамоқда қаттиқ шароитда тутиб экстремизмда гумон қилингандарга нисбатан номақбул муамалага йўл кўйди. Давлат диққат-эътиборини ҲТдан “Нур”га ўтказганидан кейин “Нур”да аъзолиги туфайли анчагина одам озодликдан маҳрум этилди. ҲТда аъзолиги туфайли озодликдан маҳрум этилган кишиларнинг умумий сони охирги бир неча йилда камайган кўринади.

Давлат ҳибсда сақлаш даврида қийноқ қўллашни бартараф этиш учун қатор маъмурий чоралар кўрди. Диний экстремизда айбланиб ҳукм қилингандар учун қамоқ шароитлари яхшиланганлиги тўғрисида бир неча маълумотлар бўлгани билан суиистемол давом этди. Аксарият судланувчилар уч йилдан 14 йилганча муддатларга ҳукм этилди, баъзилари 16 дан 20 йилгача муддатга кесилди.

Аввалги ҳисобот йилларда манбалар диний экстремизда айбланиб ҳукм этилган маҳбуслар “оддий” маҳбуслардан алоҳида сақладани ва қамоқ қўриқчилари улар билан қаттироқ муомала қиласидилар, деб хабар берган эди. Ўтган икки ҳисобот даврда маъмурлар диний асосда маҳкум қилинган маҳбусларни қўп қамоқларда бошқа маҳбусларга яна қўшиб қўйганлиги ва баъзи муассасаларда шароит яхшиланганлиги тўғрисида бир неча хабар бўлди. Шунингдек, диний экстремизм айби билан ҳукм қилинган маҳбуслар сил қасаллиги ва бошқа хасталиклардан оламдан кўз юмганлиги тўғрисида маълумот бўлди.

2008 йил ноябрь ойида акромия аъзоси, деб гумон қилинган Ҳошимжон Қодиров Андижонда ҳисбга олиниб Тошкентга Ички ишлар вазирлиги ҳисбхонасига ўтказилиб у ерда, айтишларича, уриб ўлдирилди.

2009 йил 27 февралда мустақил веб-сайтлар 1999 йилда диний экстремизм айби билан 17 йил муддатга озодликдан марҳум этишга ҳукм қилинган Соҳиб Сидиков Навоий вилоятидаги 64/36 муассасасидан ўтказилгандан кейин даволанаётган Тошкентдаги “Санггород” қамоқ қасалхонасида силдан

оламдан ўтди, деб хабар бердилар. Майит 23 февларда оиласига топширилди.

2009 йил 30 январь куни мустақил активист берган маълумотга кўра, ҲТда аъзолик учун 2006 йилда 11 йилга озодликдан маҳрум этилишга ҳукм қилинганд Абдурауф Аюпов “Сангурод”да силдан оламдан кўз юмди. 2008 йил сентябрь ойида Аюпов, хабарларга кўра, Навои вилоятидаги 64/36 муассасасидан даволаниш учун ўтказилган эди. Хабарларга кўра, Аюпов сил касаллигини қамоқда орттиган эди.

2009 йил 22 январь куни мустақил веб-сайтлар икки маҳбус, 2005 йилда Андижон воқеаларига туртки бўлган судда судланган 23 акромия тадбиркорлардан бири, деб айтилаётган Муҳаммад Ортиқов билан Андижон воқеалари қатнашчиси, деб гумон қилинганд Абдураҳмон Кўчкоров аниқланмаган хасталикдан оламдан ўтди, деб хабар бердилар.

Диний экстремизм айби билан ҳукм қилиниб қамоқда ноаниқ вазиятда оламдан ўтган қуйидаги маҳбуслар ишлари бўйича янгилangan маълумот йўқ: 2008 йил май ойидаги Одил Азизов иши ва 2007 йил ноябрь ойидаги Фитрат Салоҳиддинов ва Тоҳир Нурмуҳаммадов ишлари, буларнинг қариндошлари жасадлардан қийноқ белгиларини топишган эди.

2008 йил август ойи билан ҳисобот даврининг охири орасида камида 16 нафар киши “Нур”да аъзолик туфайли озодликдан маҳрум этилди, ва камида яна 26 киши ҳибсга олинди. “Нур”да аъзоликда гумон қилинганд кишилар илгари ҳам ҳибсга олинарди, аммо уларнинг сони бунчалик эмас эди. Баъзи ишларда қийноққа солиш ва мажбурлаш қўлланилганида гумон бор эди.

2009 йил апрель ойида жиноий ишлар бўйича Тошкент шаҳар суди “Етти иқлим” газетаси билан боғлиқ уч кишини “Нур”да аъзолик учун ҳукм қилди. Журналист Даврон Тожиев ва тарқатувчи Шавкат Исмоилов саккиз йил озодликдар маҳрум қилинишга ҳукм килиндилар, Наманганда имомлик қилувчи Мамадали Шоҳобиддинов 12 йиллик ҳукм олди.

2009 йил март ойида мустақил Harakat.net веб-сайти Наманганда “Нур” аъзолигида гумон қилинганд тўрт киши, жумладан Муҳаммаджон Собиров ҳибсга олинди, деб хабар берди. Улар нима бўлгани ҳисобот даврининг охиригача номаълумлигича қолди.

2009 йил февраль ойида “Эзгулик” мустақил инсон ҳукуқларини ҳимоя қилиш гуруҳи Хоразм вилоятида 12 киши “Нур” аъзолигида гумон қилиниб

ҳибсга олинганлигини хабар қилди. Уларнинг тақдири ҳисобот даврининг охиригача номаълумлигича қолди.

2009 йил 26 февраль куни жиноий ишлар бўйича Тошкент шаҳар суди “Ирмоқ” журнали билан боғлиқ беш киши – Баҳром Иброҳимов, Даврон Қобилов, Равшонбек Вафоев, АҚШ алмашув дастурлари қатнашчиси Абдулазиз Дадаҳонов ва Ботирбек Эшқўзиевларни “Нур”да аъзолик учун саккиз йилдан 12 йилгача муддатларга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди. Хабар берилишича, судланувчилар суддан олдинги ҳисб пайтида қийноққа солинганликлари ва уларга қарши далиллар соҳталашибилган тўғрисида қўрсатма бердилар. 2009 йил 1 апрель куни жиноий ишлар бўйича Тошкент шаҳар суди судланувчиларнинг шикоятини рад этди. “Ирмоқ” билан боғлиқ шахслар, хабарларга кўра, 2008 йил август ойида ҳибсга олинган эдилар.

2009 йил февраль ойида Harakat.net Тошкент Ислом университетининг ўқитувчиси Мансурали Аррабоев “Нур” аъзолигида гумон қилиниб ҳибсга олинганлинини хабор қилди. Унинг тақдири ҳисобот даврининг охиригача номаълумлигича қолди.

2009 йил 16 февраль куни суд саккиз киши – Элдор Шерматов, Анвар Шарипов, Жамшид Расулов, Ўқтам Бақиев, Олимжон Мирзаев, Музaffer Каримов, Шарофиддан Ғофуров ва Бахт Абдуғаффоровларни “Нур”да аъзолик учун олти ярим йилдан саккиз йилгача муддатларга ҳукм қилди.

2008 йил 22 декабрь куни Бухорода ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари унверситет ўқитувчиси Икром Меражовнинг уйига бостириб кириб диний адабиётни тортиб олдилар. Меражов ва яна саккиз киши – Музaffer Оллоёров, Ботир Тўхтамуродов, Алишер Жумаев, Абдураҳмон Мирзаев, Бобомурод Саноев, Жамшид Рамазонов, Салоҳиддин Қосимов ва Шуҳрат Каримов – “Нур” аъзолигида айбланиб ҳисобот даврининг охирида Бухорода суддан олдинги ҳибса эдилар. Рейддан сўнг бир неча кун кейин, хабарга кўра, яна бир шахси аниқланмаган киши Бухорода худди ўша айнома билан ҳибсга олинди. Меражовнинг ҳибсга олинганлиги тўғрисида давлат назорат қиласиган телевидение 2009 йил февралда эфига узатган хужжатли фильмida айтилди.

ХТ диний экстремистик ташкилотда аъзолик гумони билан ҳисбга олиниш ёки ушлаб турилиш маълум ҳоллар сони кетма-кет икки йил камайиб келаётган кўринади. 2009 йил апрель ойи ҳисботида Москвада рўйхатга олинган “Мемориал” инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш гурӯҳи Ўзбекистон давлат органлари томонидан 2004 билан 2008 йиллар орасида тахмин бўйича

сиёсий важлар билан айб қўйилиб жиной жавобгарликка тортилган 1.452 кишидан иборат рўйхатни эълон қилди. Уларда тахминан 95 фоизи диний экстремизмда айбланди, кўплари ҲТда аъзоликда гумон қилинган.

Ҳисоботда 2004 йилда диний экстремизмда гумон қилинган қўплаб судланувчилар иши кўрилган 38 суд жараёни тилга олинади, 2005 йилда – 54та, 2006 йилда – 43та, 2007 йилда – 18та ва 2008 йилда – 10та. ҲТ аъзолигида гумон қилиниб ҳибсдаги маҳбуслар сонини тасдиқлаш имкони бўлмади; аввалги ҳисобот даврлардаги маълумотга кўра бу сон 4.500дан кам эмас эди.

Диний экстремизм айби билан ҳукм қилинган маҳбуслар озодликка чиқишлирга оз қолганда қамоқларда экстремист гурӯхлар тузганлиқда еки бошқа ҳукуқбузарлиқда айбланиб янгидан судланади ва муддатлари узайтирилади, деган хабарлар келиб турди. Ҳукм муддати тугаб, озодликка чиқиб, диний экстремизм айби билан яна ҳукм этилган шахслар ҳақида бир неча хабар бўлди.

2009 йил 22 март куни 2000 йилда ҲТ адабиётини тарқатишида гумон қилиниб аввал тўққиз йил озодликдан маҳрум этилишга ҳукм қилинган Руслан Жубатхоновнинг жазо муддати “қамоқ тартибига бўйсунмаслик” учун жиной ишлар бўйича Навоий суди томонидан озодликка чиқишининг айни арафасида қўшимча уч ярим йил муддатига ҳукм қилинганини мустақил активист хабар қилди. Хабарга кўра, Жубатхоновнинг адвокати ҳимоясидаги одамнинг иши қўриб чиқилаётганлиги тўғрисида ҳукм чиқарилгунча хабардор қилинмаган.

2009 йил 28 январь куни мустақил веб-сайт ҳукумат органлари 1999 йилда диний экстремизм айби билан озодликдан маҳрум этилган ва 2008 йил охирида озодликка чиқиши керак бўлган Иброҳимжон Умаровнинг муддатини ихтиёрий равишда икки йилга узайтирганини хабар қилди. Хабарга кўра, у Тошкент вилоятидаги Товоқсой қамоғидан Қашқадарё вилятидаги Карши қамоғига ўтказилди.

2008 йил сентябрь ойида ҳукумат органлари Марғилонда яшайдиган инсон ҳуқуqlари ҳимоячиси Аҳмаджон Мадмаровнинг ўғли Ҳабиулла Мадмаровнинг қамоқ муддатини Навоий вилоятидаги қамоқда экстремистлар фитнасини уюштиришда айб билан ҳукм чиқариб ўн олти ярим йилга узайтириди. Ўша қамоқда яна бир неча маҳбуснинг муддати узайтирилгани хабар қилинади. 2009 йил 26 ҳукумат органлари Мадмаровнинг бошқа ўғлини етти йиллик муддатини ўтаганидан кейин муддатдар илгари шартли озодликка чиқардилар, аммо Мадмаровнинг яна бир бошқа ўғли ва икки жияни ҳамон қамоқда; барчалари диний экстремизмда айбланган.

2009 йил 20 апрель куни ваҳҳобий экстремистик гурӯҳ аъзолигида айбланиб ҳукм этилган Мухсин Мухсинов қамоқда чиқарилди. У мустақил Harakat.net веб-сайтига диний экстремизмда айбланган яна қўшимча маҳбуслар охирги пайтда қамоқдан озод қилинди, деб айтди.

Қамоқларда маҳбуслар ибодати учун алоҳида ажратилган маҳсус жойлар ва қамоқ кутубхоналарида Қуръон ва Инжил нусхалари бўлса-да хабарларга кўра қамоқ маъмурияти ислом экстремизмida гумон қилинган маҳбусларга беш маҳал намоз ўқишига руҳсат бермай ёки иш соатлари ва овқатланиш вақтини рамазон рўзасига мосламай bemalol ибодат ўқишлирига йўл қўймайди. Шунингдек, куннинг муайян вақтида намоз ўқиб “қамоқнинг ички тартибини бузганликлари” учун маҳбуслар жазолангандиклари тўғрисида хабарлар бор эди.

2008 йил 26 сентябрь куни Қорақалпоғистон суди 2008 йил июнь ойида ноқонуний равишда диндан сабоқ берганлик ва “диний экстремистик” ташкилотда қатнашганликда жиноий айбланиб ҳибсга олинган ва калтакланган Нукуслик протестант Айтмурат Хайбураҳмоновга кўйилган диний экстремизмда айблашни олиб ташлади.

Ҳисобот даври давомида ҲТда аъзолик туфайли камида 31 киши, жумладан 12 аёл озодликдан маҳрум қилинди. Бир неча нафар бошқа хотин-қизлар шартли ҳукм олдилар. Давлат назоратидаги оммавий ахборот воситалари ҳисобот даврида қўплаб бошқа шахслар ҲТ аъзолигида айбланиб ҳибсга олинди, деб хабар беради. Баъзи ҳолларда кишилар айб қўйилмай чиқарип юборилди, дейилади, аммо аксатиятнинг тақдири номаълум эди. Баъзи ишларда қийноққа солиш ва мажбурлаш қўлланилган. Кузатувчилар барча суд жараёнларида ҳозир бўлиш имконига эга эмас эдилар. Камида 11 нафар бошқа шахс ваҳҳобий ёки бошқа диний экстремист ташкилотда аъзо бўлгани учун озодликдан маҳрум этилди. Хабар қилинмай қолган ишлар сони қанча эканлиги ноаниқ қолди.

2009 йил 4 февраль куни Тошкент шаҳар суди уч нафар хотин-қиз – Шахло Султонова, Машкура Манопова ва Гулнора Ҳакимоваларни ҲТда аъзоликлари учун олти йил озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этди. Яна саккиз нафар хотин-қиз худди шунда айбдор деб топилиб уч йиллик шартли ҳукм олдилар. Қариндошларнинг хабарига кўра, Султонова 2008 йил ноябрь ойида Тошкентда қамоққа олинганидан кейин милицияда калтакланган эди.

2008 йил декабрь ойида Тошкент шаҳар прокурори уч нафар хотин-қизни: Раъно Абзалова, Холида Нурматова ва Раъно Ғуломбековаларни ҲТ

аъзолигида айблади. Уларнинг суд жараёнини кузатган мустақил активист ҳукм этилган ва бир йиллик озодликдан маҳрум этилиш муддатини олган аёллар Куръонни ўқиганликларини курсатиб ҲТла аъзоликни инкор этдилар, деб хабар берди. Хабарга кўра, ҲТ аъзолиги учун ҳукм қилинган танишларининг кўрсатмаси уларга қарши қўлланилган асосий далил бўлди.

Ҳисобот даврида ҲТда аъзолик учун озодликдан маҳрум этилганларнинг кўплари ҲТда аъзолик учун озодликдан маҳрум этиб бўлинганларнинг қариндошлари ёки танишлари эди. Кўплари хотин-қизлар бўлиб одатда эркакларга қараганда кичикроқ муддатларга ҳукм қилинадилар. Диний экстремизмда айбланган хотин-қизлар қўпроқ шартли ҳукм этилади, амнистия қилинади ёки умуман айбланмасдан чиқарилади – фақат диний экстремизмда айбаланган эмас, балки аксрият жиноий айб қўйилган хотин-қизларга нисбатан шундай тартиб қўлланилади. Ҳисобот даври давомида давлат назоратидаги оммавий ахборот воситаларида диний экстремизмга аралашиб қолган аёлларнинг ҳикоялари келтирилган мақола ва кўрсатув ва эшиттиришлар орқали хотин-қизлар диний экстремизм ҳавфи тўғрисида маҳсус огоҳлантирилдилар.

Давлат диний экстремизмда гумон қилинган Ўзбекистонликларни, жумладан бошпана сўраганларни, учинчи мамлакатлар, айниқса Қирғизистон, Россия ва Украинадан экстрадиция қилишда давом этди. Ҳисобот даврида Қирғизистонда сиёсий бошпана сўраган камида икки киши куч билан Ўзбекистонга экстрадиция қилинда ва диний экстремизмда айбланиб озодликдан маҳрум этилди.

2009 йил 24 февраль куни жиноий ишлар бўйича Тошкент суди Қирғизистон давлат органлари 2008 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга экстрадиция қилган диний экстремизмда гумон қилинган Хайтжон Жўрабоевни диний экстремизм ва чегарадан ноқонуний ўтишда айблаб 13 йил муддатга озодликдан маҳрум қилди. 17 март куни жиноий ишлар бўйича Тошкент суди Жўрабоевнинг апелляциясини рад қилди. Қирғизистонда бўлган пайтида Жўрабоев Қирғизистон миграция ва бандлик давлат қўмитасида пошпана сўровчи сифатида рўйхатдан ўтган эди. Ҳьюман Райтс Воч ҳам Жўрабоевга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қочоқлар бўйича Олий Комиссарининг Бишкек идораси томонидан қочоқ мақоми берилганлигини хабар қиласи. Жўрабоев 1990нчи йилларнинг бошида диний экстремизда айбланиб озодликдан маҳрум этилган Ўзбекистонлик имом Обидхон Алихоновнинг куёвидир.

2008 йил 29 сентябрда жиноий ишлар бўйича Қашқадарё вилоят суди Эркин Ҳолиқовни “ислом экстремизда ва терроризмда” айблаб 20 йилга озодликдан

махрум қилди. Ўша суднинг ўзида туққиз нафар бошқа кишилар ҳукм қилиниб озодликдан маҳрум этилди. 2008 йил май ойида Қирғизистон ҳукумати Қирғизистонда чегарадан ноқонуний ўтиш ва айбига иқрор бўлиб келмаганликда айбланиб қамоққа ҳукм қилинган пошпана сўровчи Ҳолиқовни экстрадиция қилди.

Авалги ҳисобот йилларда хабар қилинган ҲТ ва бошқа экстремистик ташкилотларда аъзолик туфайли ҳукм қилинган қўплаб қишиларнинг, жумладан қўйидагиларнинг, ишлари тўғрисида янги маълумотлар йўқ:

2008 йил июнь ойида икки аёл – Угиби ва Раъно Ахрорхўжаевалар – ҲТда аъзолик, ҲТда аъзоликка тортиш ва экстремист руҳдаги адабиётни тарқатиш учун беш йилга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган.

2008 йил февраль ойида 13 киши диний экстремистик ташкилотларда аъзолик учун 16 йилдан 20 йилгача муддатларга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, камида бир киши мажбурлаш натижасида иқрор бўлган деган гумон бор.

2008 йил январь ойида ваҳҳобий ғояларни тарғиб қилиш ва 2005 йилда Ўзбекистоннинг Лондондаги элчихонаси олдида ўтказилган намойишда қатнашганлик айбномаси билар Алишер Убайдулаев беш йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

2007 йил декабрь ойида уч киши Таблих жамоатда аъзоликда айбланиб ҳар бири 11 йилдан 14 йилгача турли муддатларга озодликдан маҳрум этилишга ҳукм қилинди.

2007 йил октябрь ойида саккиз киши ҲТда аъзолик учун уч йилдан 10 йилгача муддатларга озодликдан маҳрум этилди. Инсон ҳуқуқлари активистларининг хабарларига кўра ички ишлар органлари ходимлари уларни дастлабги тергов давомида қийноққа солганлар.

2007 йил июль ойида Дилноза Тўхтахўжаева уч йил озодликдан маҳрум этилишга ва олти нафар бошқа хотин-қизлар икки йилга шартли ҳукм қилинди. Хабарларга кўра, аёлларнинг барчасига руҳий босим ўтказилган ва улар қийноққа солинган.

Авалги ҳисобот даврларда ҳисобот берилган ҲТ ва бошқа тақиқланган диний гуруҳларда аъзолик учун ҳукм қилинган кишилар ишларида ўзгариш йўқ: 2007 йил апрель ойида Сурхондарё вилоятида ваҳҳобий тудасида аъзолик учун уч йилдан олти йилгача озодликдан маҳрум этишга ҳукм

қилинган ва иқрорлари, хабарларга кўра, қийноқ натижасида олинган 8 эркак кишининг иши; 2007 йил апрель ойида ҲТда аъзолик учун, хабарларга кўра жиддий далиллар асосида олти ийл муддатга озодликдан маҳрум этилган Гулнора Валижонова иши; 2006 йил октябрь ойида Самарқандда ҲТда аъзолик учун бир неча судланувчи иқрорлари қийноқ орқали мажбуrlab олинганлиги айтган суд жараёнида уч йилдан саккиз йилгача муддатларга ҳукм қилинган уч айбланувчиларининг иши; 2006 йил сентябрь ойида айтишларича давлат органлари ходимлари томонидан қўрқитилгандан кейин иқрор бўлган ҲТда аъзолик учун 10 йилдан 13 йилганча муддатларга ҳукм этилган етти кишининг иши; 2006 йил август ойида Тошкент вилоятида калтаклангандан кейин иқрор бўлишга мажбур этилганликларини қурсатган бир йилдан 13 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилишга икки алоҳида ўтказилган суд жараёнларида ҳукм қилинган 29 кишининг иши ва 2006 йил август ойида Тошкентда очиқ суд жараёнида улар қийноқقا солинганлигини қўрсатган 12 йилдан 15 йилганча озодликдан маҳрум этилишга ҳукм қилинган беш кишининг иши.

2006 йил сентябрь ойида экстремизм ва Тошкентда содир этилган портлатишда иштирок этганилик айблари қўйилиб 17 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган Тошкентнинг собиқ имоми Рухитдин Фахрутдиновнинг ишида ёки 2006 йил июль ойида ислом экстремизмидаги айбланиб ўртacha олти йиллик муддатга озодликдан маҳрум этилишга ҳукм қилинган имом Обидхон Назаровнинг етти бошқа издошларининг янги маълумотлар йўқ.

Давлат органлари акромия исломий гуруҳга аралашганликда гумон қилинган шахсларга босим ўтказашда давом этдилар. Аввалги ҳисобот даврларда акромияда аъзоликда айбланиб ҳукм этилган қуйидаги шахслар ишларида янги маълумотлар йўқ: Анваржон Махсадалиев, 2007 йил декабрида акромияда аъзоликда ва 2005 йил Андижон воқеаларда иштирок этганиликда айбланган; Абдумалик Иброҳимов, 2007 йил февраль ойида акромияда аъзоликда айбланиб саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум этилишга ҳукм қилинган; Абдусамат Каримов ва Икромжон Йўлдошев, 2006 йила июль ойида тегишли равишда саккиз ва беш йил муддатга озодликдан маҳрум этилишга ҳукм қилинган, ёки улар гуруҳининг айни ўша пайтда акромияда аъзолик айби қўйилиб озодликдан маҳрум этилишга ҳукм қилинган бошқа аъзолари.

Аввалги ҳисобот даврлардан фарқли ўлароқ тақводор мусулмонлар факат тақвосини намойиш қилганлари, яъни соқол қўйганлиги, ҳижобга кирганлиги ёки масжидда намозини қанда қилмаганлиги учун ҳибсга олинишлари ёки таъқиб қилинишлари ёки давлат тақиқланган ташкилотларда аъзо бўлмаган

диний эътиқоди мўътадил кишиларни экстремизм баҳонаси билан жиной жавобгарликка тортганилиги тўғрисида ишончли хабарлар бўлмади.

Иегова шоҳидлари айниқса қаттиқ назоратда бўлдилар, улар вақти вақти билан ҳисбга олинди ва прозелизм айбномаси билан озодликдан маҳрум этилишга ҳукм қилинди. 2008 йил 23 июль куни давлат Марғилонлик икки Иегова шоҳиди, Абдуманноб Аҳмедов ва Сергей Ивановни гўё ноқонуний равишда диний таълим берганликлари учун тегишли равишда тўрт ва уч ярим йилга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди. Шунингдек судлар яна уч нафар Марғилонлик Иегова шоҳидлари, Раја Литвиненко, Светлана Шевченко ва Азиза Усмоноваларни уч йил муддатга шартли равишда ҳукм қилдилар. 2008 йилнинг охирида Хоразм вилоятидан исми айтилмаган икки нафар Иегова шоҳидини ноқонуний равишда диний таълим берганликлари учун, хабарларга кўра, жиной айб қўйиб ҳукм қилдилар, аммо улар шартли ҳукм олдилар.

2008 йил 8 июль куни Навоий суди Иегова шоҳидлари, Гулдора Ортиқова ва Турсуна Йўлдошеваларга, хабарларга кўра, судда кўрсатма беришдан бош тортгандари учун жарима солди. 30 май куни Навоий ички ишлар органлари ходимлари Ортиқованинг уйига келиб уни ва Йўлдошевани диний адабиётни тортиб олгандан сунг ҳисбга олдилар. Аёлларни ички ишлар бошқармасига олиб келдилар, у ерда ходимлар Йўлдошевани калтакладилар, айтишларига кўра, унинг кўп жойи момоталоқ бўлиб мияси чайқалди. Милициядан аёлларни паспортлари олиб қўйилгандан кейин ўша куннинг эртасига эрталаб чиқарип юборишиди.

Иегова шоҳидлари жамоасининг аъзоси Абдуманноб Аҳмедовга Инжилдан сабоқ берганлиги учун 2008 йил март ойида жарима солинган; 2008 йил март ойида Маъмур Турсунқулов ва Наби Қипчоқовларни беш кунга ҳисбга олинганлиги ва Арслон Сувонқуловни уч кунга ноқонуний диний фаолият учун ҳисбга олинганлиги ёки 2008 йил февраль ойида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни ноқонуний равишда диний таълим бериш борасида бузганликлари учун Иегова шоҳидлари Эльвира Сафаровага 71 АҚШ доллари (93.150 сум) ва Евгений Курбатовга 143 АҚШ доллари (186.300 сум) жарима солинганлик ҳолларида ўзгариш йўқ.

2008 йил апрель ойида ноқонуний равишда диний таълиб бериш ва ноқонуний диний ташкилотни ташкил қилишда айбланиб Самарқандда тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум этилишга ҳукм қилинган Иегова шоҳидлари жамоаси аъзоси Олим Тўраевнинг иши тўғрисида янги маълумотлар йўқ.

2007 йил май ойида ноқонуний равишда диний таълим берганликда айбланиб икки йил муддатга меҳнат қолониясига ҳукм қилинган Иегова шоҳидлари Самарқанд жамоасининг аъзоси Ирфон Ҳамидов 2009 йил май ойида муддатини ўтаб бўлиб озодликка чиқарилди ва ўзи фуқароси бўлган Тожикистонга чиқариб юборилди.

Пастор Дмитрий Шестаков, рўйхатдан ўтган Тўлиқ Инжил элликчилар жамоасининг етакчиси 2007 йилда ноқонуний диний гуруҳни ташкил қилиш, диний нафратни қўзғатиш ва диний экстремистик адабиётни тарқатиш айбномаси билан тўрт йиллик муддатини Навоий меҳнат қолониясида ўташда давом этмоқда. Аввалги ҳисбот даврларида давлар органлари қамоқнинг ички тартиб қоидаларини бузган, деб Шестаковга нисбатан амнистия қўллашни рад этдилар.

Рўйхатдан ўтмаган диний ташкилот томонидан ўтказилган ҳар қандай диний ибодат ноқонуний ҳисобланади. Милиция рўйхатдан ўтмаган диний гуруҳланинг йиғилишлар устига рейdlар уюштириб аъзоларни ҳибсга олган ҳоллар тўғрисида кўп хабарлар бўлди. Бир неча истиснодан ташқари давлат ҳибсга олингандарни ибодат, таълим бериш, прозелитизм ваколатсиз диний фаолият олиб бориш ёки рухсат этилмаган диний материалларга эга бўлиш айбномаси билан иш ҳақи энг кичик миқдорининг 50дан 100 боробаригача жарима солади. Аввалги даврлардан фарқли ўлароқ бир неча киши шундай қонунбузарликлар учун 15 кунгача муддатларга қамоққа олинган эди.

2009 йил апрель ойида Сирғали туман ички ишлар органлари расман рўйхатдан ўтган баптист черкови диакони Павел Ненононинг Тошкентдаги уйига рейд уюштириб уни ўз уйида ноқонуний равишда болаларга диндан таълим бериб Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қодексни бўзганликда айблади ва 15 кунлик муддатга қамоққа олинишга ҳукм этди. Ненно диний таълим берамаганини, балки бошпанасиз болаларнинг қорнини тўйдирганини таъкидлаб айтди. Саккиз нафар ҳуқук-тартибот органлари ходими унинг Тошкентнинг Сирғали туманидаги уйига 2009 йил 27 май кунида бостириб кирдилар. Шунингдек, суд Ненононинг уйида тортиб олинган материаллар, жумладан христианлик китоблар, журналлар, плакатлар, фильмлар ва ноутбук компьютерни йўқ қилиб юборишни буюрди.

2009 йил 3 апрель куни Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар суди 13 нафар баптистни айбдор, деб топди ва уларга иш ҳақининг 50 баробари (таксминан 1000 АҚШ доллари) миқдорида жарима солди. 2009 йил 15 март куни “терроризмга қарши” бўлими ходимлари баптислар ибодат қилиб турган хусусий уйга бостириб кирдилар ва рус ва ўзбек тилларидағи диний адабиётни тортиб олдилар. Милиция ходимлари билан бирга рус православ

черковининг руҳонийси бирга эди, хабарларга кўра у баптистларни рўйхатга олинмаган черковлар ибодатида қатнашмаслик тўғрисида огоҳлантириди ва унинг ўрнига ўзининг черковига боришга дайват қилди.

2009 йил март ойида Андижон вилояти Кўрғонтепа туман суди рўйхатга олинмаган протестант черковининг уч аъзоси Маҳмуджон Туртиев, Маҳмуджон Бойназаров ва Равшанжон Баҳромовларни ноқонуний равища диний таълим берганликда айблаб 15 кунлик қамоққа ҳукм қилди.

Черковнинг уч нафар бошқа аъзоси – Маҳмуджон Дехқонбоев, Алишер Шораҳмедов ва Мурод Раҳимов – шахсни тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмагани учун дайдилар бошпанасида сақлардилар. Раҳимовни 6 март куни чиқариб юборишида, Дехқонбоев билан Шораҳмедовлар 13 март куни юборилишди. Бу кишиларнинг барчаси милициянинг 1 март куни уюштирган рейди оқибатида ҳибсга олиниб турдилар.

2008 йил 10 октябрь куни Тошкент шаҳар Миробод туманининг жиной ишлар бўйича суди рўйхатдан ўтмаган элликчилар черковининг етти нафар аъзосини 4 октябрь куни ноқонуний диний йиғилиш ўтказишида айблаб 15 кунлик қамоқ жазосига ҳукм қилди. Жамоянинг беш нафар бошқа аъзосига 90 АҚШ доллари (125.200 сўм) жарима солинди. Суд элликчилардан тортиб олинган диний адабётни, жумладан Инжилни, йўқ қилиб юборишига буюрди. Черков аъзолари илгари бир неча бор рўйхатдан ўтишга муваффақиятсиз уринган эдилар.

Аввалги ҳисобот даври қўйидаги ишларининг бирон бири борасида яни маълумот йўқ: 2008 йил июнь ойида дўстлик баптист черковининг тўрт аъзосининг ҳар бири ноқонуний диний йиғилиш ташкил қилганлари, Дин тўғрисидаги қонунни бузганликлари ва ноқонуний равища диний таълим берганликлари учун 10 кунлик маъмурий ҳибсга ва тахминан 32 АҚШ доллари (42.000 сўм) жаримага ҳукм этилиши; 2008 йил май ойида рўйхатдан ўтмаган Навоий баптист черкови аъзоларининг ноқонуний йиғилишлар ўтказганликлари учун ҳукм этилиши; 2008 йил май ойида 2008 йил март ойида ўтказилган рейддан сўнг рўйхатдан ўтмаган Муборак баптист черкови аъзолари ҳукм этилиши; 2008 йилда Гулистонлик еттинчи кун адвентистлар уйларида рўйхатга олинмаган йиғилиш ўтказганлари учун ҳукм этилганлари; 2008 йил февраль ойида уйида якшанба ибодат маросими устига уюштирилган рейддан сўнг ноқонуний диний йиғилиш ташкил қилгани учун баптист Эдуард Кимга 287 АҚШ доллари (380.000 сўм) микдорида жарима солингани; ёки 2007 йил сентябрь ва октябрь ойларида бўлиб ўтган икки рейд ва ҳибсга олиш ҳолати.

Иегова шоҳидларга доир қуидаги ишлар борасида янги маълумотлар йўқ: 2008 йил март ойида Иегова шоҳиди Абдуманноб Ахмедовнинг диний материалларни ноқонуний тарқатганги учун 280 АҚШ доллари (372.000 сўм) миқдорида ва ноқонуний диний фаолият учун 845 АҚШ доллари (1.117.800 сўм) миқдорида жарима солинганлиги; 2008 йил март ойида Жиззахда ноқонуний диний фаолият учун Маъмур Турсунқулов ва Наби Қипчоқовнинг беш ва Арслон Султонқуловнинг уч кун ҳибса сақланиши; 2008 йил февраль ойида ноқонуний тарзда диний таълим бериб маъмурий кодексни бир неча марта бузганлиги учун Эльвира Сафаровага 71 АҚШ доллари (93.150 сўм) ва Евгений Курбатовга 143 АҚШ доллари (186.300 сўм) миқдорида жарима солинганлиги; 2007 йил октябрь ойида Когонда ноқонуний йиғилишини ташкил этиб ўтказганлиги учун жамоа аъзоларидан ўн кишини 719 АҚШ доллари (931.500 сўм) миқдорида жарима солинганлиги.

2007 йилда ноқонуний равишда диний таълим беришда айбланиб ахлоқ тузатиш ишларга ҳукм этилган Иегова шоҳидлари Самарқанд жамоасининг аъзоси Далафрўз Арзиева икки йиллик муддатини ўтаб бўлди, шундан кейин унинг иш ҳақи энди чегирилиб давлатга ўтказилмайди.

Аввалги йиллардан фарқли ўлароқ, Иисус Христоснинг қазо қилган кунини хотиралаш учун ўтказиладиган йиллик маъракалари узилиб қўйилмади. Иегова шоҳидлари, хабар берилишича, маърака узиб қўйилиши эҳтимоллигини камайтириш мақсадида маҳсус чоралар кўрдилар. Давлат органлари Америка Кўшма Штатларидан 2009 йил 9 апрель кунида ўтказиладиган маъракани кузатиш учун келган Иегова шоҳодлари вакилига виза бердилар, аммо чет эллик бошқа Иегова шоҳидларига визалар берилмади.

Бошқа диний озчилик жамоалари, жумладан Ҳаре Кришналар, вақти-вақти билан таъқибга дуч келиб турдилар. Форум 18 хабар берилишича, 2009 йил 7 февраль куни милиция Шри Нитиананданинг намоён бўлиши диний байрамини нишонламоқчи бўлганларида Самарқандда Ҳаре Кришналарнинг йиғилиши устига рейд уюштирдилар. Милиция бир неча содикни кечаси билар ушлаб туриб қўйиб юборди.

Аввалги йиллардан фарқли ўлароқ ҳисобот даврида давлат органлари диний озчилик гурухлари аъзоларини диний мансубликлари туфайли мамлакатдан чиқариб юборган ҳоллар бўлмади.

Мажбурлаб бошқа динга ўтказиш

Мажбурлаб бошқа динга ўтказиш, жумладан ўғирланган ёки ноқонуний йўл билан Америка Кўшма Штатларидан олиб чиқилган вояга етмаган АҚШ фуқароларни ўрказиш ҳоллари ёки бундай фуқароларни Кўшма Штатларга қайтаришга йўл қўйишни рад этиш ҳоллари бўлмади.

Диний эркинликлар борасида аҳволнинг яхшиланиши ва ижобий ўзгариши

Давлат органлари ҳибсга олиш қарорини қабул қилиш ваколатини прокуратурадан судга ўтказиш (хабеас корпус) ва шунинг билан ҳукук-тартибот органлари ходимлари устидан суд назоратини ўрнатиш орқали қийноққа солиш, жумладан гумон қилинган диний экстремизмда айблангандарга ҳам нисбатан қийноққа солиш эҳтимолини камайтириш чораларини қўрди. 2008 йил декабрь ойида давлат адвокатура тўғрисида янги қонун қабул қилди, унда гумон қилинаётганларнинг ҳибсга олинишдан сўнг сукут сақлаш, адвокатга ёки қариндошларга қўргироқ қилиш ва адвокатлари билан хоҳлаган вақтларида учрашиш ҳукуқлари белгиланган. Бироқ давлат қўнгилли адвокатлар уюшмаси ўрнига давлат назорат қиладиган ва адвокатлар мубурий тарзда аъзо бўладиган адвокатлар палатасини жорий қилди.

2009 йил апрель ойида инсон ҳукуқлари бўйича омбудсман шароит мониторингини амалга ошириши учун қамоқларга бемалол бора олишини таъминлаш мақсадида қонун хужжатларига ўзгартишлар киритилди. Хабарларга кўра аксарият суиистемоллар юз берадиган тергов изоляторлари маъмурияти янги тартибга биноан маҳбуснинг талаби билан маҳбус ва инсон ҳукуқлари бўйича омбудсман вакили билан учрашувни ташкил қилиши лозим. 2008 йилда ҳукумат Қизил Xоч Халқаро Қўмитаси (ҚҲҲҚ)нинг мустақил кузатувчиларига олти ой тажриба муддатига қамоқларга қиришга рухсат бердилар, бундай имконият 2004 йил декабрь ойида тўхтатилиб қўйилган эди. Тажриба даври 2008 йил сентябрь ойида тугади, ҚҲҲҚ шархлар ва тавсиялар киритилган ҳисоботини ҳукуматга тақдим этди. ҚҲҲҚнинг келажакда қамоқларини бориб қўриши ҳисобот даврининг охирида муҳокама этилаётган эди.

Диний экстремизмда айбланиб озодликдан маҳрум қилинганларнинг қамоқ шароитлари яхшиланаётганлиги, жумладан бундай шахслар мамлакатдаги қатор қамоқхоналарида маҳбусларнинг умумий жамоасига қайта қўшилганлиги тўғрисида хабарлар давом этди. Давлат органлари 2008 йилда 10.000 шахс амнистия этилганлигини, шунинг билан маҳбуслар сони 38.000гача камайди, 100.000 кишига ҳисобланган маҳбуслар сони камайиб 138 кишини ташкил қилди. Амнистия қамоқхоналар гавжумликни

камайтиради; бироқ диний сабабларга қўра қамалганларга бундан нима фойда, аниқ эмас.

Шунингдек, давлат мусулмонларга диний эътиқодни ошкор қилишда қўпроқ имконият берди. Ҳисобот даврида, айниқса муборак рамазон ойида давлат назоратидаги телевидениеда исломга бағишлиланган кўрсатувлар сони сезиларли даражада ошди. Кўчаларда ҳижобли хотин-қизлар аввалги ҳисобот даврига қараганда кўпайди ва масжидларда ибодат қиласиган одамлар сони ортишда давом этди. Собий муфти Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ислом мавзуидаги оммабоп радио эшиттирувни олиб боришда, Ислом университетида дарс беришда ва турли диний мавзуларда ҳам босма, ҳам электрон шаклда материаллар эълон қилишда давом этди.

2008 йилда давлат органлари Хоразм вилоятида янги рус православ черкови рўйхатдан ўтиши ва унинг қўрилишига қаршилик қилмадилар. Шунингдек, давлат органлари инсонпарварлик ёрдамни муҳтожларга тарқатадиган Америка Яхудий қўшма тақсимот қўмитаси (ҚТҚ)ни янгидан рўйхатга олдилар.

Давлат органлари Иегова шоҳидларининг пацифизмини ҳурмат қилиб келди, чақирав комиссиялари одатда чақиравдан озод қилиб турди. 2009 йил 9 апрель куни Иегова шоҳидлари йиллик Иисус Христоснинг фавот этган кунини хотирлаш маъракаси давомида бутун мамлакатда уни барбод қилиш ҳарақатига дуч келмадилар.

Ҳисобот даврида камида бир протестантга нисбатан амнистия қўлланилди.

III бўлим. Жамиятда диний эркинликларга риоя қилиш ахволи

Умуман олганда, жамият диний хилма-хилликка бағрикенглик билан қарайди, аммо прозелитизм бундан истисно. Хусусан, мусулмон, рус православ, католик ва яхудий дин етакчилари жамиятда бу динлар яхши қабул қилинишини айтадилар. Бироқ, баъзи илжилчи ёки элликчилар черковлари ва оғиб ўтган ўзбек аъзолари бор черковлар ажратиб қўйишдан келиб чиқсан қийинчиликларга дуч келди. Христианликни қабул қилган ўзбеклар ажратиб қўйиш ва таъқибга дуч келганликлари тўғрисида хабарлар доим келиб турди. Баъзи ҳолларда давлат назоратидаги оммавий ахборот воситалари жамиятда қабул қилмаслик кайфиятларни рағбатлантиради.

IV бўлим. АҚШ хукуматининг сиёсати

АҚШ элчиси ва элчихонанинг бошқа расмий кишилари инсон ҳуқуқларининг айрим масалаларини мухокама қилиш мақсадида мамлакатнинг дин пешволари, инсон ҳуқуқлари фаоллари ва давлат органлари расмий кишилари билан учрашдилар. Вашингтонда АҚШ Давлат департаменти расмий кишилари бир неча фурсатда АҚШ диний эркинликлар қўламининг кенгайишига қизиқиши билдириш мақсадида мамлакатнинг элчихонаси расмий кишилари билан учрашдилар. АҚШ расмий кишилари мамлакатга ва мамлакат бўйлаб сафар қилиб дин етакчилари ва шунингдек ҳукумат расмий кишилари билан учрашдилар. Элчи ва элчихона расмий кишилари ДИҚ ва дин етакчилари, жумладан имомлар, христиан руҳонийлари ва раббilar билан мунтазам алоқада бўлиб турдилар; шунингдек улар диний эркинликларги тегишли ташвишли масалаларни таълим мутахассислари, журналистлар ва инсон ҳуқуқлари фаоллари билан мунтазам мухокама қилиб қелдилар. Элчихона расмий тадбирларга дин етакчиларини жалб қилиб диний эркинликлар муҳимлигини таъкидлаб борди.

Эличихона диний гурухлар ёки эътиқодга асосланган чет эллик ташкилотлар қийинчиликларга дуч қелгини тўғрисида хабар топган ҳолларда у имкон борича уларнинг тарафини олиб аралишишга ҳаракат қилди. Бунда ҳукуматнинг расмий кишилари билан ўчрашилди ва суд жараёнида ҳозир бўлиб кузатилди. Элчихонанинг расмий кишилари диний эркинлик билан боғлиқ ишларни ҳамкаслари билан ишларни кузатиш ва давлат расмий кишилари билан мулокотда бўлиш мақсадида тез-тез мухокама қилиб турдилар. 2008 йил ноябрь ойида элчихона бошқа мамлакатлар дипломатик миссияларидаги ҳамкаслар ва илжилчи протестант ва Иегова шоҳидлари жамоалари вакиллари иштироқида элчихонада ушбу жамоаларга тегишли масалаларни мухокама қилиш мақсадида давра сухбат ўтказди.

АҚШ дипломатлари 2009 йил 9 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган Иегова шоҳидларининг йиллик Иисус Христос вафот қилган кунини хотирлаш маросимини ўтказишда жамоанинг ушбу эркинликдан тўсиқсиз фойдаланишини таъминлаш мақсадида маъракани кузатдилар.

АҚШ расмий кишилари изчил равишда диний бағрикенглик ва сиёсий хавфсизлик бир бирини тўлдирувчи нарсалар эканлигини таъкидлаб давлатни динни ифода этиш учун кенроқ эркинликлар беришга, кўпроқ масжидларни рўйхатдан ўтказишга ва диний виждан маҳбусларга нисбатан амнистия қўллашга рағбатлантиришга ҳаракат қилдилар. АҚШ расмий кишилари, Вашингтонда ҳам, Тошкентда ҳам давлат органлари билан дин тўғрисидаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, жумладан диний гуруҳ рўйхатдан ўтишга ҳақли бўлиши учур жорий қилинган 100 нафар аъзо лозимлиги талабини пасайтириш, прозелитизм тақиқланишини бекор қилиш,

диний адабиётни олиб кириш ва нашр қилишда чеклашни олиб ташлаш ва АҚШ ҳукумати ёш мусулмонлар янада радикаллашувинининг оддини олиш учун муҳим жиҳат деб биладиган хусусий тарзда диний таълим бериш тақиқланган нормаларни қонун ҳужжатларидан чиқариб ташлашга қаратилган музокараларни олиб борибдилар.

2006 йил ноябрь ойида Давлат Котиби аввал Ўзбекистонни Халқаро диний эркинлик акти асосида диний экринликлар айниса қўпол равишда бўзилганлиги туфайли айниқса ташвиш уйғотадиган мамлакат (АТМ), деб белгилади. 2009 йил 16 январь куни Давлат Котиби АТМ деб белгилашни тақрорлади ва Акт мақсадларига амал қилишни Актнинг 407 қисмига биноан, АТМ деб белгилашга жавобан Президент ҳаракати сифатида 180 кунга кечиктирди, айни пайтда диний эркинликлар борасидаги ахволни яхшилашга қаратилган музокаралар давом этди.